

## Лавозим касб фаолиятига боғлиқ қонунчилик соҳаси

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров деганда нимани тушунасиз?
2. Ахборот олишга доир сўровнинг кўриб чиқиш муддатлари қандай?
3. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатларига нималар киради?
4. Ахборот олишга доир сўровнинг қандай шакллари бор ва уни кўриб чиқиш муддатлари ҳақида гапириб беринг.
5. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида нималарни биласиз?
7. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот деганда нимани тушунасиз?
8. Ахборотдан фойдаланувчилар кимлар ва уларнинг ҳуқуқлари ҳақида гапириб беринг.
9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборот манбаларига нималар киради?
10. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизмати тушунчасини ёритиб беринг?
11. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усулларига нималар киради?
12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш) қайси манбалар орқали амалга оширилади?
13. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари тушунчасига таъриф беринг?
14. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларига қандай маълумотлар жойлаштирилиши мумкин?
15. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровга қўйиладиган талабларга нималар киради?
16. Оммавий ахборот воситаларига нималар киради?
17. Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ёритиб беринг.
18. Оммавий ахборот воситалари эркинлигини суистеъмол қилишга йўл қўйилмаслигига оид талабларга нималар киради?
19. Оммавий ахборот воситалари махсулоти тушунчасини ёритиб беринг.
20. Халқаро ахборот тармоқларига уланиш қоидаларини ёритиб беринг.
21. Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши деганда нима тушунилади?
22. Ахборот ресурси тушунчасини ёритиб беринг.
23. Цензура нима ва мамлакатимизда унга йўл қўйиладими?
24. Ахборот соҳасига доир қонун ҳужжатлари билан танишмисиз, уларни амалда қўллай оласизми?
25. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
26. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари қандай мақомга эга?
27. Давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари қандай мақомга эга?

28. Ахборот хизматининг асосий фаолият йўналишлари деганда нималар тушунилади?
29. Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритиб беринг.
30. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги хақида гапириб беринг.
31. Оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқи деганда нима тушунилади?
32. Рўйхатдан ўтказилмайдиган оммавий ахборот воситаларини ёритиб беринг.
33. Расмий хабарлар ва ахборотни эълон қилишга қўйиладиган талабларни ёритиб беринг.
34. Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишига доир маълумотлар жумласига нималар киради?
35. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари хақида нималарни биласиз?
36. Қайси ҳолларда оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш рад этилади?
37. Оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган вакиллари қандай ҳуқуқларга эга ҳисобланади?
38. Аккредитация нима? ОАВ ходимлари аккредитациядан ўтказиладими?
39. Блогер тушунчасини ёритиб беринг.
40. Ахборотлаштириш тушунчасини ёритиб беринг.
41. Ахборотлаштириш соҳасидаги махсус ваколатли орган қандай вазифаларни амалга оширади?
42. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларининг ҳуқуқий режими қандай турдаги белгиловчи нормалар билан аниқланади?
43. Ахборотни хужжатлаштириш тушунчасини ёритиб беринг.
44. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бўлган мулк ҳуқуқи деганда нима тушунилади?
45. Давлат ахборот ресурслари нималар орқали шакллантирилади?
46. Ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш тоифаларига нималар киради?
47. Ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборотни Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш тартибини ёритиб беринг.
48. Миллий ахборот тизимига нималар киради?
49. Ахборот тизимларининг техника воситаларини сертификатлаштириш шартларини тушунтириб беринг.
50. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қандай мақсадларда амалга оширилади?
51. Ахборот ресурслари ва ахборот тизимлари муҳофаза қилинишини ташкил этиш тартибини тушунтириб беринг.
52. Журналистнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд?